

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
“ALYANS AUTO” МЧЖ

Бош директори

О.И.Аюбов



2025 йил “08”

08

## КОРПОРАТИВ СТАНДАРТ

### “ALYANS AUTO” МЧЖ ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОК ҚОИДАЛАРИ

#### Ишлаб чиқди:

| Бўлим             | Лавозим    | Ф.И.Ш.          | Имзо | Сана |
|-------------------|------------|-----------------|------|------|
| Комплаенс хизмати | Мутахассис | Караджанов Н.Қ. |      |      |

#### Келишилди:

| Бўлим                                                           | Лавозим                                                        | Ф.И.Ш.           | Имзо | Сана |
|-----------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------|------------------|------|------|
| Молия дирекцияси                                                | Иқтисодиёт ва молия бўйича дирктор                             | Умурзаков К.Ж.   |      |      |
| Ходимларни бошқариш дирекцияси                                  | Ходимларни бошқариш бўйича директор                            | Дехқонов А.А.    |      |      |
| Харидлар ва етказиб бериш тизими дирекцияси                     | Харидлар ва етказиб бериш тизими бўйича директор               | Асадов Ё.О.      |      |      |
| Маркетинг, сотиш ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш дирекцияси | Маркетинг, сотиш ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш директори | Рустамбеков А.Д. |      |      |
| Юридик бўлим                                                    | Бўлим бошлиғи                                                  | Очилов Б.Э.      |      |      |

## 1-боб. Умумий қоидалар

1.1. “ALYANS AUTO” МЧЖ (кейинги ўринларда Жамият деб юритилади) ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда - Одоб-ахлоқ қоидалари) “ALYANS AUTO” МЧЖ ходимларининг (кейинги ўринларда - Жамият ходимлари) касбий маданияти, хизмат фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташқари вақтда одоб-ахлоқи, ташқи кўриниши ва кийиниш услубининг намунавий қоидаларини белгилайди.

Одоб-ахлоқ қоидалари ходимларнинг иш фаолиятида юксак касбий маданиятни шакллантириш, Жамиятга ҳалқнинг ишончини ошириш ҳамда Жамият ходимларининг ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган.

1.2. Жамият ходимлари ўз касбий фаолиятини қуйидаги принциплар асосида амалга ошириши шарт:

- қонунийлик;
- Хизмат вазифасига фидойилик, юкланган функционал вазифаларини тўлиқ бажариш, ижро интизомига қатъий риоя этиш;
- фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- Жамият манфаатларига содиқлик;
- адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;
- коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш ва қарши курашиш;
- хизмат сирини қатъий сақлаш;
- берилган ваколатларни суиистеъмол қилмаслик;
- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

1.3. Жамият ходимлари меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтда ҳуқ-атворнинг қуйидаги умумий қоидаларига амал қилиши лозим:

- Жамият обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш;
- масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундалик шиорга айлантириш;
- мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасбларига кўмаклашиш;
- ҳушмуомалалик, эътиборлилик ва ҳушёрлик билан фуқароларда ва бизнес ҳамкорларда Жамиятга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотиш;
- фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъи назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш;
- жамиятда ахлоқнинг умумэътироф этилган қоидаларига амал қилиш.

1.4. Жамият ходимлари ўз функционал вазифаларини амалга ошираётганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Одоб-ахлоқ қоидаларига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

1.5. Жамият ходимлари Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш мажбуриятига, фуқаролар ҳамда бизнес ҳамкорлар эса Жамият ходимларидан мазкур қоидаларга мос бўлган касбий маданиятни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

1.6. Жамият ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши уларнинг фаолияти ҳамда хизматдаги ахлоқини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Жамият ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши ҳолати уларни келгусида юқори лавозимларга тайинлашда ҳисобга олинади.

## 2-боб. Касбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари

2.1. Жамият ходимлари:

- фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, фуқаролиги, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи камситилишига олиб келувчи ҳаракатлар

(ҳаракатсизлик)га йўл қўймаслиги;

- ҳалол, адолатли ва камтар бўлиши, фуқаролар ҳамда бизнес ҳамкорлар билан мулоқотда хушмуомала, вазмин ва самимий муносабатни намоиш қилиши;

- Жамият манфаатларига зарар етказувчи, фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан тийилиши;

- ўзининг хатти-ҳаракати ва ахлоқи туфайли жамоатчиликнинг танқидига учрамаслик чораларини кўриши, танқид учун таъқибга йўл қўймаслиги, асосли ва конструктив танқиддан ўз фаолиятидаги камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этиш йўлида фойдаланиши;

- Жамият ходимлари ва бошқа шахсларга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий масалалар юзасидан таъсир ўтказмаслиги;

- ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олмаслиги;

- Жамият мулкнинг бут сакланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган жамият мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши;

- хизмат интизомига қатъий риоя қилиши, иш вақтидан оқилона ва самарали фойдаланиши;

- аҳолининг Жамият истеъмолчиси сифатидаги талабларига мувофиқ доимий равишда фаолият сифатини ошириб бориш чораларини кўриши;

- Жамият ички ҳужжатлари, қонун билан интизомий, маъмурий ва жиной жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ва бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги;

- касб этикаси ва ишчанлик услубига риоя этиши;

- сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари манфаатлари йўлида хизмат мавқеи ва имкониятларидан фойдаланмаслиги керак.

2.2. Жамият ходимлари ўзига бўйсунувчи ходимлардан улар меҳнат вазифасини бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишни талаб қилиши, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари фаолиятида иштирок этишга даъват этиши ёки мажбурлашига йўл қўйилмайди.

### **3-боб. Хизмат фаолиятига оид одоб-ахлоқ қоидалари**

3.1. Жамият ходимлари хизмат фаолияти давомида қуйидагиларга мажбур:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этиш;

- Жамият шаънини эъзозлаш;

- ўз хизмат вазифаларини виждонан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмийчилик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик;

- хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни доимий асосда ошириш;

- Жамият бошқаруви ва ижроия органи ҳамда мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ҳамда берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

- ҳар қандай қонунбузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши муросасизлик билан курашиш;

- ҳар қандай шахсга ёки ташкилотга пора бермаслик ёки пора бериш бўйича топшириқ бермаслик, пора беришни таклиф қилмаслик ёки ваъда бермаслик;

- ҳар қандай шахс ёки ташкилотдан пора талаб қилмаслик, сўрамаслик, олмаслик ёки қабул қилмаслик;

- коррупцияга қарши курашиш сиёсат талабларини тушуниш ва уларга риоя қилиш;

- ҳар қандай шаклдаги порани ёки пора сифатида қаралиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа қимматбаҳо нарсалар ёки бойликларни бермаслик ёки олмаслик;

- хизмат сафарлари, назорат тадбирлари давомида меҳнат фаолияти билан боғлиқ

- бўлган ҳар қандай турдаги сарф-харажатларни бошқа шахслар ҳисобидан амалга оширмаслик;
- Жамият ходимлари ёки бошқа шахслар томонидан жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга ундовчи мурожаатлар ҳақида, шунингдек, ҳамкасблари томонидан содир этилган ёки тайёргарлик кўрилатган қонунбузилишлар ҳақида ўзининг раҳбарига зудлик билан маълум қилиш;
  - ўз хизмат мажбуриятларини бажарётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, уларнинг таъсиридан сақланиш, фуқаролар ҳамда юридик шахслар ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;
  - ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан сақланиш;
  - давлат сири, қонун билан қўриқланадиган ва хизматга оид бошқа маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриш, улардан қонунга зид равишда фойдаланмаслик;
  - ахборотларни тарқатиш қоидаларига риоя қилиш, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг белгиланган тартибига амал қилиш;
  - бириктирилган хизмат компьютери ҳамда электрон ташувчиларидаги хизматга оид маълумотларнинг хавфсиз сақланишини таъминлаш ва уларни бошқа шахсларга тарқатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;
  - ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятини муҳофаза қилмаслик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, Жамиятга нисбатан одамларда ишончсизлик кайфиятини юзага келтириши мумкин бўлган материалларни жойлаштирмаслик;
  - юридик шахслар, фуқаролар ва ҳамкасбларининг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширувчи маълумотлар, тухмат, ифво ва уйдирмаларни тарқатмаслик;
  - меҳнат ва ижро интизоми, ички тартиб қоидаларига, шунингдек, телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш;
  - ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш;
  - жамоада соғлом маънавий муҳитни сақлаш чораларини кўриш;
  - жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш;
  - меҳнат жамоасида ишчанлик муҳитини шакллантириш ва уни мустаҳкамлашга кўмаклашиш;
  - меҳнат жамоасида ҳамкасбларининг шаъни ва қадр-қимматини обрўсизлантирадиган шахсий ва касбий фазилатларини муҳофаза қилишдан тийилиши керак.
- 3.2. Раҳбарлар куйидагиларга мажбур:
- бўйсунувдаги Жамият ходимларига профессионализм, ҳалоллик, холислик ва адолатлиликда ўрнак бўлиш;
  - жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш;
  - Жамият ходимларини қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундаслик ҳамда улардан бундай ҳаракатларни бажаришни талаб қилмаслик;
  - кадрларни маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш, тайинлаш ёки тавсия этишга йўл қўймаслик;
  - жамоада гуруҳбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш) кўринишларига йўл қўймаслик, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг олдини олиш;
  - Жамият ходимларининг фаолиятига баҳо беришда қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш;
  - Жамият ходимлари томонидан коррупция ва бошқа суиистеъмолчиликлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўриш;
  - ҳар қандай шахсга ёки ташкилотга пора бермаслик ёки пора бериш бўйича топширик

бермаслик, пора беришни таклиф қилмаслик ёки ваъда бермаслик;

- ҳар қандай шахс ёки ташкилотдан пора талаб қилмаслик, сўрамаслик, олмаслик ёки қабул қилмаслик;

- бўйсунувидаги Жамият ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

- ваколати доирасида шартномалар тузиш, танловлар ўтказиш ёки розилик бериш масалаларига ҳолис, адолатли ва қонуний ёндашиш;

- коррупцияга қарши курашиш сиёсат талабларини тушуниш ва уларга риоя қилиш;

- ҳар қандай шаклдаги порани ёки пора сифатида қаралиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа қимматбаҳо нарсалар ёки бойликларни бермаслик ёки олмаслик.

3.3. Раҳбарлар бўйсунувидаги Жамият ходимларига қўпол муомалада бўлиши, ҳақорат қилиши, шахсиятига тегиши, уларга асоссиз танбеҳ бериши ёки айблаши ҳамда камситиши мумкин эмас.

#### **4-боб. Хизматдан ташқари одоб-ахлоқ қоидалари**

4.1. Жамият ходимлари ишдан бўш вақтларида умумқабул қилинган ахлоқ нормаларига риоя қилишлари ва уларга зид бўлган ҳуқ-атвор ва хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

4.2. Жамият ходимлари ишдан ташқари вақтда қуйидагиларга ёндашиша мақсадга мувофиқ:

- миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

- дабдабабозлик, шуҳратпарастлик, гуруҳбозлик, маишатбозлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслик;

- расмий эълон қилинган маълумотлардан ташқари иш фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилмаслик;

- жамоат жойларида (кафе, ресторан ва бошқа кўнгилочар масканларда) ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш, атрофдагиларнинг эътиборини тортувчи ортиқча ва салбий ҳаракатларга йўл қўймаслик;

- жамоат тартиби ва ҳавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этмаслик, мазкур ноқонуний ҳаракатларга бошқаларни жалб этмаслик ёки даъват қилмаслик;

- хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган юридик шахслар – бизнес ҳамкор, контрагент, идора ва ташкилотлар раҳбар ва ходимларидан, бошқа мансабдор шахсларидан совғаларни қабул қилиш Жамиятнинг совғалар, меҳмондўстлик, кўнгилхушлик ва саёҳат қилиш бўйича процедурасида белгиланган тартибда амалга ошириш;

- ўз номидан сиёсий тадбирларда қатнашадиган ходимлар Жамият вакили сифатида буни амалга оширишга ёки бундай таассурот қолдиришга ҳақли эмас;

- хизмат автотранспорт воситаларидан хизмат фаолиятидан ташқари ҳолатларда шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;

- иш фаолияти билан боғлиқ маълумотларни ишга алоқадор бўлмаган бошқа шахслар иштирокида муҳокама қилмаслик;

- шахсий транспорт воситаларидан фойдаланишда белгиланган тартибга амал қилиш, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этиш;

- тадбиркорлик ёки бошқа фаолият билан шуғулланиш ҳақида манфаатлар тўқнашуви ҳолати юзага келиши эҳтимоли вужудга келганда Жамиятни манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсатида белгиланган тартибда хабардор қилиш;

- Жамиятга, илгари ўзи фаолият юритган давлат органлари ва ташкилотларига доғ туширувчи хатти-ҳаракатлардан тийилиш;

- ташқи кўринишини белгиланган меъёрлар доирасида сақлаш, камтарона кийиниш, атрофдагиларнинг эътиборини ўзига ортиқча жалб қиладиган тарзда кийинмаслик.

### **5-боб. Жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга оид одоб-ахлоқ қоидалари**

5.1. Жамият ходимлари оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига қўмаклашиши керак.

5.2. Давлат сиёсати ёки Жамият фаолияти тўғрисидаги оммавий баёнотлар Жамият раҳбари ёки мазкур йўналиш бўйича ваколатли мансабдор шахс томонидан амалга оширилади.

5.3. Қуйидаги ҳолларда оммавий баёнот берилиши мумкин эмас:

- оммавий баёнот матни ва мазмуни Жамият фаолиятига алоқадор бўлмаса;
- оммавий баёнотда келтириладиган ахборотлар, тижорат сири, конфиденциал ёки давлат сирлари билан боғлиқ бўлса;

- оммавий баёнот бошқа ташкилотлар, давлат органлари ва ташкилотлари нуфузини пасайтириш ёки уларнинг мансабдор шахсларини камситишга йўналтирилган бўлса.

5.4. Агар оммавий баёнотда фуқароларнинг шаъни ҳамда кадр-қимматини камситадиган иборалар бўлса, Жамият ходими ўз фикрларининг янглишлиги ёки нотўғрилигини тан олиши ҳамда шаъни, кадр-қимматига ва ишчанлик обрўсига дахл қилинган фуқародан, агар қонун ҳужжатларида бошқа оқибатлар назарда тутилмаган бўлса, кечирим сўраши шарт.

### **6-боб. Хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услубига оид одоб-ахлоқ қоидалари**

6.1. Жамият ходимларининг хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниши ва кийиниш услуби фуқароларнинг давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига ҳурматини оширишга хизмат қилиши керак.

6.2. Жамият ходими ташқи кўриниши меҳнат шароитлари ва хизмат турига қараб, хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида фуқароларнинг Жамиятга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига қўмаклашиши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши ва расмийлик, ҳолислик, камтарлик ва интизомни намоён этиши лозим.

6.3. Жамият ходимларининг иш жойида ташқи кўриниши ва кийиниш услубига оид қўшимча талаблар ички меҳнат тартибида белгиланиши мумкин.

### **7-боб. Манфаатлар тўқнашуви**

7.1. Ходимнинг манфаатдорлиги қарор қабул қилиш жараёнига таъсир қилиши ва шу билан Жамиятга зарар етказиши мумкин бўлган тақдирда манфаатлар тўқнашуви юзага келади.

7.2. Жамият ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

7.3. Агар яқин қариндошлар бир-бирига бўйсуниб ишлайдиган бўлса, уларни ишга ёллаш ёки жойлаштириш мумкин эмас.

Ўриндошлик асосида ишлаш Жамиятдаги ишга салбий таъсир кўрсатмаслиги ёки унга зид бўлмаслиги лозим бўлиб, уни фақат Жамиятдаги ишдан бўш вақтда амалга ошириш мумкин. Бунда, рақобатчи ташкилотда бир вақтнинг ўзида ишлаш қатъиян ман этилади.

Агар ходим ёки унинг яқин қариндоши Жамиятнинг бизнес ҳамкори бўлган компаниядан молиявий манфаатдор бўлса, ходим бу ҳақда бевосита раҳбарига ва/ёки Комплаенс хизматига хабар бериши лозим.

7.4. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ходимлар ўзининг раҳбарини дарҳол хабардор қилиши шарт.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу

тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўришга мажбур.

### **8-боб. Инсон ҳуқуқларига риоя этиш**

8.1. Жамиятда барча ходимлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва миллий қонунчилик талабларига риоя этиши шарт.

8.2. Жамиятда раҳбарият ва ходимлар хизмат жараёнида бир-бирларига ишонч ва ҳурмат, бағрикенглик, адолат ва камситмаслик тамойилларига асосланган муносабатда бўлишлари шарт.

8.3. Жамиятда ходимларга нисбатан камситишларга йўл қўйилмайди. Ҳеч кимнинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ва бошқа ҳолатларга кўра ўз ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйилмаслиги керак.

Жамиятнинг ҳар бир ходими ҳар қандай камситиш белгиларидан холи маданиятни шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилиши лозим.

Жамиятнинг ҳар бир ходими таъқибнинг ҳеч қандай кўринишига йўл қўймаслиги лозим.

8.4. Жамият ва унинг тизим корхоналарида ҳар қайндай шаклдаги мажбурий, ихтиёрий бўлмаган ва болалар меҳнатидан фойдаланиш қатъиян ман этилади ва тақиқланади.

8.5. Жамиятда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси муҳим ролни ўйнайди, унинг етарли даражада таъминлаш устувор йўналиш ҳисобланади, раҳбарият ҳамда ходимлар томонидан таъминланиши ва бажарилиши шарт.

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникасидан манфаатдор ва барча ходимлар учун соғлом ва хавфсиз иш муҳити тамойилига амал қилади.

Жамиятда ишчиларга меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси, жумладан, улар дуч келадиган хавфлар, тегишли назорат чоралари, бинолар ва иш жойларидан хавфсиз фойдаланиш чизмалари, жиҳозлар ва асбоб-ускуналарни тўғри қўллашга оид тегишли маълумотлар берилиши, шунингдек, ушбу соҳада ишчилар учун мунтазам равишда таълим олиб борилиши лозим.

Ҳар бир ходим ҳар доим ўзини ишига тегишли барча хавфсизлик техникасига риоя қилиши керак.

Хавфли иш шароитларини сезган тақдирда иш дархол тўхтатилиб, бу ҳақда бевосита раҳбарга маълум қилиниши керак.

### **9-боб. Коррупция ва порахўрлик**

9.1. Ҳар бир ходим Жамиятнинг коррупцияга қарши ва порахўрликка қарши сиёсат ва тартиб-таомилларига қатъий риоя қилиши шарт.

9.2. Жамият иш юритадиган барча ҳудудларда, маҳаллий урф-одатлар, қабул қилинган амалиёт ёки менталитетдан қатъи назар, фаолиятнинг барча соҳаларида Жамият ходимларига ва Жамият номимидан ҳаракат қиладиганларга пора бериш тақиқланади.

Пора нақд пул, қимматбаҳо совғалар, сиёсий бадаллар, хайрия ёрдамлари, ишга жойлаш таклифлари каби турли хил фойда шаклида бўлиши мумкин. Порани аниқлашнинг минимал чегараси мавжуд эмас.

Пора сифатида расмий процедураларни соддалаштириш учун тўловлар назарда тутилиши мумкин – бу одатий вазифалар доирасига кирувчи одатдаги процедурани тезлаштириш ёки бажарилишини кафолатлаш учун тўғридан-тўғри ёки билвосита, норасмий равишда сўраладиган тўлов шакли (масалан, автомобилни беришни тезлаштириш ва ҳ.к.).

9.3. Жамият ходимларига ҳар қандай шахс ёки ташкилотдан пора талаб қилиш, сўраш,

олиш ёки қабул қилиш, ҳар қандай шахсга ёки ташкилотга пора бериш ёки пора бериш бўйича топшириқ бериш, пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш каби хатти-ҳаракатларга уринишлари, бунга тенг баробар амалга ошириш тақиқланади.

9.4. Жамият ходимларига, ҳар қандай шаклдаги порани ёки пора сифатида қаралиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа қимматбаҳо нарсалар ёки бойликларни бериш ёки олиш ман этилади.

Мазкур банднинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар Жамият ходимларининг оила аъзолари ёки дўстлари томонидан ҳам Жамият номидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб ҳар қандай қимматбаҳо нарсаларни ёки имтиёзларни олиш мазкур ҳаракатлар Жамият ходими томонидан шахсан амалга оширилган деб ҳисобланади.

## **10-боб. Хайрия эҳсонлари ва тижорат ҳомийликлари**

10.1. Жамият спорт, маданият ва санъат, илм-фан ва таълим соҳасидаги ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларда бошқа хайрия дастурларида иштирок этади.

10.2. Жамиятда сиёсий партияларни ва сиёсий лавозимга номзодларни қўллаб-қувватланмайди. Сиёсий партиялар ёки сиёсий лавозимга номзодларни тарғиб қилишда Жамиятнинг номидан ҳам, ресурслари ва маблағларидан ҳам, назорати остидаги ҳар қандай корхонасидан ҳам фойдаланиш мумкин эмас.

10.3. Жамият номидан сиёсий бадалларни амалга ошириш ёки бундай харажатларни амалга ошириш, ёхуд бирон-бир ходимга бундай бадаллар ёки харажатларни қоплаш ман этилади.

Ўз номидан сиёсий тadbирларда қатнашадиган ходимлар Жамият вакили сифатида буни амалга оширишга ёки бундай таассурот қолдиришга ҳақли эмас.

## **11-боб. Корпоратив молиявий ҳисобот**

11.1. Жамият бухгалтерия ҳисобини юритиш, аниқ ва тўлиқ молиявий ҳисоботларни тақдим этиш стандартларига қатъий риоя қилади.

Ҳисоботнинг қайдлари ва шакллари аниқ ҳамда тўлиқ олиб борилиши керак. Улар молиявий операцияларнинг асл моҳиятини акс эттириши лозим.

Ҳисобот ва қайдларни инсофсизлик билан ёки маълумотларни бузиб олиб бориш ёки бировни чалғитишга уринилишига йўл қўйилмайди.

11.2. Жамият ходимлари бухгалтерия қайдларини сохталаштиш ва ўзини ҳаракатларини асл моҳиятини яширишга ёки бузишга уринмаслиги керак.

Мазкур ҳаракатлар Жамиятга зарар етказмайди ёки вақтни тежашга ёрдам беради деб ҳисбланса ҳам Жамиятдаги молиявий процедураларини четлаб ўтиш қатъиян ман этилади.

Ички ва ташқи аудиторлар билан ҳамкорлик қилиш ва улардан Жамият тўғрисидаги маълумотларни яширмаслик керак.

## **12-боб. Бизнес ҳамкорлар ва рақобатчилар**

### **Харидлар**

12.1. Жамият ўз фаолиятини бизнес ҳамкорлар билан адолатли бизнес тамойили асосида олиб боради, шунингдек, эркин ва очик рақобат тамойилини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Жамият етказиб берувчиларни объектив мезонларга қараб, пухта танлайди ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олади.

Етказиб берувчилар амалдаги харидлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ

танланади.

12.2. Жамиятнинг қадриятлари ва бизнес тамойилларини баҳам кўра оладиган бизнес ҳамкорларни пухта танлаш лозим.

Етказиб берувчини танлаш Жамиятда амалдаги харид қилиш тартиб-таомилларига белгиланган тартибда ҳолис ва шаффоф бўлиши керак.

Маҳсулотлар ва хизматлар ҳақида маълумот беришда ҳалол ҳаракат қилиш керак.

Рақобатчиларнинг товарлари ва хизматлари билан таққослаш мутаносиб, ишончли ва текшириладиган тарзда амалга оширилиши керак.

Ходимлар ҳозирги ёки келажақдаги етказиб берувчидан шахсий манфаатга эга бўлиш мақсадида Жамиятдаги расмий мавқеисини суиистеъмол қилмаслиги керак.

### **Экспорт назорати ва иқтисодий санкциялар**

12.3. Жамият ўз фаолиятини халқаро савдо қоидаларига мувофиқ олиб бориши шарт.

12.4. Жамият ходимлари Жамият томонидан товарлар, дастурий таъминот, технологиялар, техник маълумотлар ва хизматларни давлат чегарасини кесиб ўтиши билан боғлиқ операцияларни амалга оширишда экспорт назоратига оид қонунлар ва қоидаларга риоя қилишлари мажбур.

12.5. Кўзда тутилмаган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида, шунингдек, корпоратив жавобгарлик доирасида Жамият АҚШ, Европа Иттифоқи ва Буюк Британия қонунларининг айрим мамлакатлар, шахслар, шахслар гуруҳлари ва бизнеснинг барча ҳудудларидаги ташкилотлар билан иш юритишни чеклайдиган талабларига риоя қилади ва Жамият ходимлардан ушбу тартиб таъминланиши талаб этилади.

12.6. Жамият ходимлари хизмат фаолиятига тааллуқли бўлган савдо қонунлари ва қоидаларини билиши ва уларга риоя қилиши ҳамда ушбу қоидалар мураккаб ва тез-тез ўзгариб туришини инобатга олиб, қонунчилик тўғрисида ўз билимини ошириб туриши мақсадга мувофиқ.

Савдо чекловлари ўзгариши мумкинлиги сабабли, Жамият масъул ходимлари Жамият томонидан яқин орада тижорат фаолияти амалга оширилмаган мамлакатда бизнесни бошлашдан олдин Компаенс хизмати билан маслаҳатлаши мақсадга мувофиқ.

### **Пуллари ювиш ва терроризмни молиялаштиришда иштирокни тақиқлаш**

12.7. Жамият жиноятчиликдан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига сўзсиз риоя қилади.

12.8. Жамият ходимлари фақат қонуний фаолият билан шуғулланадиган ва фақат қонуний манбалардан даромад оладиган ишончли мижозлар ва бизнес ҳамкорлар билан бизнес қилиш учун барча мумкин бўлган олдини олиш чораларидан фойдаланиши керак.

12.9. Жамият ходимлари мансаб ваколати доирасида Жамият томонидан лойиҳа ёки шартнома билан боғлиқ бўлмаган томонлардан тўловларни қабул қилишига йўл қўйилмаслиги керак.

Жамият томонидан ўз сиёсатига зид ностандарт тўлов усуллари олинishiга йўл қўйилмайди.

### **Ҳалол рақобат**

12.10. Жамият эркин, адолатли ва ҳалол рақобат тамойилларига риоя қилади.

Жамият ходимлари Жамият томонидан монополияга қарши қонунчиликка зид ёки унга қарши бўлган шартномалар тузишига йўл қўйилмаслиги керак.

12.11. Жамият ходимлари рақобатчилар билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нархи ва нархларнинг ҳосил бўлиш принципларини муҳокама қилмаслиги керак.

Рақобатчилар билан суҳбатлар жараёнида Жамиятнинг стратегик қарорлари ва жамоатчилик учун очиқ бўлмаган ва рақибларга ошкор бўлмаслиги лозим бўлган бошқа маълумотларни муҳокама қилиш ман этилади.

### **Атроф-муҳит**

12.12. Жамият барча қонуний талабларни тўлиқ бажариш билан бир қаторда, доимий равишда табиий ресурслардан масъулиятли фойдаланиш, чиқиндиларни камайтириш орқали ўз фаолиятининг атроф-муҳитга таъсирини камайтиришга интилади.

Жамият ходимларига Жамиятда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш қонунчилиги талаблари бузилишлари ҳолатлари маълум бўлганда дарҳол раҳбариятга хабар берилиши керак.

### **Жамият маълумотлари ва активлари муҳофазаси**

12.13. Ҳар бир ходимнинг вазифаси Жамиятнинг мулки ва ресурсларидан иложи борича самарали фойдаланишдир. Жамият ходимлари Жамиятнинг мулкани ва интеллектуал мулкани (жумладан, муаллифлик ҳуқуқи, Патентлар ва ноу-хаулар, товар белгилари), шунингдек, унга тегишли бўлган махфий маълумотларни ҳамда ходимларнинг шахсга доир маълумотларини ҳимоя қилишга масъул ва мажбурдир.

Шахсий маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланишнинг бошқа турлари фақат қонуний асосларда ёки манфаатдор шахснинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

12.14. Жамият ходимлари:

- ҳеч қандай махфий материалларни ўқиш ёки кўриш рухсатига эга бўлмаган шахслар, ушбу ҳаракатларни бажармаслигига амин бўлиши;
- махфий масалаларни жамоат жойларида баланд овозда муҳокама қилмаслиги;
- Жамиятнинг махфий маълумотларини яқин қариндошларига, ёки таниш ва дўстларига, шунингдек, ушбу маълумот билан танишиш учун рухсати бўлмаган шахсларга ошкор қилмаслиги;
- етказиб берувчилар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш;
- Жамият томонидан ёки Жамият учун тўпланган шахсий маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиш;
- агар ходимнинг шахсий маълумотлари ходим учун очиқ бўлса, ушбу маълумотни йўқотилиш, нотўғри фойдаланиш, унга рухсатсиз кириш, ошкор қилиш, ўзгартириш ёки йўқ қилишдан ҳимоя қилиш учун эҳтиёт чораларини кўриши керак.

## **13-боб. Жамият ходимларининг манфаатини ҳимоя қилиш**

13.1. Жамият ходимларини хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ таҳдид, ҳақорат, тўхмат ва қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбари томонидан амалга оширилади.

13.2. Зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилиш, жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга оғдиришга қаратилган мурожаатлар, шунингдек, ҳамкасблари томонидан содир этилган ёки содир этишга тайёргарлик кўрилаётган қонунбузилишлар ҳақида хабар берган ходимларни вужудга келиши мумкин бўлган таҳдид ва хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш чоралари кўрилади.

**14-боб. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш**

14.1. Жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назорат Комплаенс хизмати ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан амалга оширилади.

14.2. Жамиятга ишга қабул қилинган Жамият ходимлари ходимлар билан ишлаш бошқармаси томонидан мазкур Одоб-ахлоқ қоидалари билан тилхат асосида имзо қўйдирган ҳолда таништирилади.

14.3. Мазкур Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича хизмат текшируви Жамият раҳбарининг кўрсатмасига мувофиқ Комплаенс хизмати ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан ўтказилади.

**15-боб. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик**

15.1. Жамият ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик ҳолати уларга нисбатан ахлоқий ва интизомий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлади.

15.2. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан Жамият ходимларига қуйидаги ахлоқий таъсир чоралари қўлланилади:

- огоҳлантириш;
- узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;
- Жамият коллегиял йиғилишларида танбех бериш.

15.3. Одоб-ахлоқ комиссияси Жамият ходимига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун Жамият раҳбарига тақдимнома киритиши мумкин.

Одоб-ахлоқ комиссияси одоб-ахлоқ қоидалари Жамият раҳбари томонидан бузилган тақдирда, уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни юқори турувчи Жамият бошқарув органига юборади.

15.4. Жамият ходими Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши уларни қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.